

...мозорга нон, қатлама, 7 танга пул, холвайтар ва ҳ.к.ларни бериб туриш жоиз...

15:59 / 26.04.2016 3653

Кўпчилик юртдошларимиз мозорга нон, қатлама, 7 танга пул, холвайтар ва ҳ.к.ларни бериб туриш жоиз деб биладилар. Бу ҳақида динимизда қандай кўрсатмалар бор?

Мозорга бирор нима аташ, нон бўлсин, қатлама бўлсин, 7 танга пул бўлсин, яна қандайдир чўзма бўлсин, бошқа нарсалар бўлсин, холвайтар бўлсин, буларнинг бирортаси диний кўрсатмаларда йўқ, шариатимизнинг ҳукмларида йўқ. Мозорга овқат аташ ёки бошқа нарса аташ мутлақо тўғри бўлмаган нарса бўлади. Хайри садақа эҳсон бўладиган бўлса Аллоҳ учун қилиш керак.